

МИТТИ МАШИНАЛАР

Ям-яшил яялов. Куйлар ўтлаб юрибди... Улар қандай оқатлан-япти, ҳайвонларнинг ошқозони қандай ишлаяпти? Куйнинг танасига ўрнатилган «СУР-7» аппарати марказий пультага ана шулар ҳақида маълумот бериб турибди.

Бугун

республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Ўзбекистон ёшларининг техника ва ижодкорлик кўргазмаси очилди. Охангарондаги 3-профессионал техника билим юрти ўқувчилари оддий ёзув столидаги кичик эксаваторни яратган.

- * МИЛЛИЙ КИЙИМЛАР КЎРГАЗМАСИ
* ЖАҲОН ҚЎШИҚЛАРИ ПАРВОЗИ
* ЎҚИТУВЧИЛАР АНГЛИЯДА
* ЯНГИ БИЛИМ ДАРГОҲЛАРИ



Шахримизнинг Бир куни

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

12 ФЕВРАЛЬ 1970 й. ПАЙШАНБА № 36 (1104). БАҲОСИ 2 ТИЯН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

Бугун Ленин музейи қурилишида



СУРАТДА: бригада бошлиғи Г. З. Никодис ва А. Х. Манзарис В. И. Ленин музейи атрофида ўрнатилган мармар тошларни сийлашмоқдалар.

В. Исаков фотоси.

Музей учун

МАРМАР-УЛЬЯНОВСКА

Ўзбек халқи Ульяновск шаҳрида қуриётган Марказий мемориал музейининг тезроқ қад кўтаралишига муносиб ҳисса қўшаётган. Қашқадарё областининг Гидрокишлоғи, Ҳисорактизмалари яқинида топишган ва қазиб олинган ноёб мармар Марказий мемориал музейини безашда кўл келади ва унга чирроқ гўзаллик бахш этади.

Бугун

АНА ШУ МАРМАР ОРТИЛГАН ДАСТ-ЛАБКИ ВАГОНЛАР ИҲТИСОС ҚИЛДИ. Бу ердаги мармар запаси уч миллион кубометрдан ҳам зиёд. Шуниси қўлайки, мармар 40-50 метр чуқурликдан қазиб олинмоқда.

ИЛЬИЧ ИЛҲОМИ БИЛАН

Моҳир санъаткор Ф. Гришченконинг Ильич ҳақида яратган скульптура асарлари натаби эмпозицияни ташкил қилди. Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига кираверида ўрнатилган В. И. Ленин скульптураси ҳам унинг ижодига мансубдир.

Ҳайкалтарош Марнази Ленин музейининг Тошкент филиали учун расом Я. Рябенцев билан ҳамкорликда «Ленин броневика» деган скульптура асарини яратди.

ТОШКЕНТ-ЖАҲОНГА Либослар—Японияга


Бугун

Москвадан Тошкент Модалар уйига хўшхабар келди. Модалар уйи Японияда бўладиган «ЭКСПО-70» халқаро кўргазмаси учун тайёрлаган янги кийим-кечаклари Бутунтўғри танлаш комиссияси томонидан қабул қилинган.

Шахримиз озода ва кўркам бўлсин

К У Н ТАРТИБИДА-ОБОДОНЧИЛИК

Шахримизда кўйлаб шебадеси эсяпти. Кўнлар ҳам исб кетди. Шаҳар, кўча ва маҳаллалар, квартал майдонларининг ободончилиги ҳақидаги маъража кун тартибидеги муҳим иш бўлиб қолди.



СУРАТДА: Эксаватор ремонтни заводининг коллективни ремонтдан чиқарган янги эксаваторлар.

Шаҳар ижроия комитетининг мажлислари залда шаҳарнинг бугунги санитария ҳолатини яхшилаш тўғрисида ақтия йиғилиши бўлиб ўтди. Бу борада хозир қандай ишлар олиб бориляпти? Ана шу мавзуда шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Г. М. Саркисов ахборот берди.

Шаҳар хўжалиги ходимлари баҳор мавсумини кутиб олиш учун ҳали кўнгидагидек иш қилмаётганликлари қаттиқ танқид қилинди.

Шаҳар маданият бўлими, уй-жойлардан фойдаланиш идораси, шаҳар савдо бошқармаси озодалик ва ободончилик бўйича ҳеч қандай иш қилмаётганлиги, шабаликларни уюштириш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, маданият ва истирохат болгарини мавсумга тайёрлаш ишлари мутлақо коникарсиз бораётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Актив йиғилишида кўрсатиб ўтилган барча камчиликларни тезда бартараф этиш чоралари белгиланди.

Санъат оламида ОРКЕСТР КУЙЛАГАНДА

Кеча

«Баҳор» концерт залда Республика бастакорларининг пленуми очилди. Пленумда бастакорлар Союзни яравлениши раиси, музикашунос А. Х. Жаборов нутқ сўзлади. Сўнг ижодий коллективлар ижросида концерт берилди.

Концертда Давлат консерваторияси студентларидан иборат танчлар ансамбли катнашди. Пленум ўз ишини 16 февралда тамомлайди.

МАЛАКА ОШИРАДИЛАР

Кун-кеча республика олий ўқув юртлири инглиз тили ўқитувчиларидан бир гуруписи тахсил куриш учун Англияга жўнаб кетдилар. Улар Англияда икки ой бўлиб, инглиз тилидан лекциялар тинглайдилар. Инглиз тилини ўқитиш методикаси билан танишадилар.

Меҳнатда пешқадамлар УН УЧИНЧИ МАОШ

Янги система бўйича меҳнат қилиш иши ва хизматчиларга жуда кўл келяпти. Утган йили корхонамиз йиллик пландан ташқари 1 миллион 120 минг сўмлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, реализация қилган эди.

Бугун

шу даромаддан устама пул мукофоти тариқасида 13 минг сўм ун учинчи маош тарқатилди. Корхонада 15 йиллик ва ундан ортиқ иш стажига эга бўлган ишчи ва хизматчилардан бир неча киши 24 кунлик иш ҳақи ҳажмида пул мукофоти олди. Юнчилардан Гай Фатхуллин —182 сўм, Иван Солодовников —160 ва Александр Пронченко —150 сўмдан пул олишди. С. Б. ФЕДОСЕЕВ, 1-ун комбинат бош иқтисодчиси.

БУГУН УНИВЕРСИТЕТДА Комсомолларга «Москвич» Университетда музей

Ленин номи Давлат университети студентлари доҳий В. И. Сирдарё областининг дашларига астойдил меҳнат қилдилар. Булажак энбеллар 9 минг тоннадан ортиқ «оғ олтин» дурдонаси териб давлат омборига тўқдилар. Бундан ташқари хўжаликларда бир қатор ташкилий, тарбиявий ишлар олиб боришди.

«Голдностепетрой» бошқармаси ва Октябрь район партия

Университет студентлари доҳий В. И. Ленин номидаги музейининг Тошкент филиалида ҳашар қилиш истагини билдирдилар. Ҳар бир студент тўрт соатдан ишлаб беради. Комсомол комитети ҳаммаси бўлиб 40 минг соатлик ҳашар уюштириш режасини тузиб чиқди.



В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига пойтахтимиздаги 231-мактаб ўқувчилари доҳийнинг ҳаёти ва революцион фаолиятига бағишланган музей ташкил қилиб, у ерга альбом, макет, нарма, нишон ҳамда турли материалларни йиғдилар. СУРАТДА: тарих ўқитувчиси Ф. Нурумухамедов ўқувчиларга доҳийнинг ҳаёти ва революцион фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб бермоқда.

Янги агрегат УНУМЛИ ВА ҚУЛАЙ

Бугун

макарон фабрикасида янги «СПК-45» маркази куритувчи агрегатни монтаж қилиш ишлари бошланди. Бу машина илгарти агрегатга қараганда ишлаб чиқаришда самарадорлиги ва қўлайлиги билан ажралиб туради.

«СПК» агрегати тез кунларда фойдаланишга топширилиб, дастлабки сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқара бошлайди.

Янги модалар МОДАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА

Бугун

кийимлари тикиш бўйича янги модалар фабрика бадийи советида юқори баҳоланди. Бу модалар асосида мавсумий жуда чиройли ва ихчам трикотаж кийимлари тикилади. Кийим юпка, икчам ва чиройли бўлади. Модаларнинг ишлаб чиқаришга тўла жоғрий қилиниши туфайли бир тонна маҳсулот ёки 27 минг сўм тежалади.



Бирлашган Араб Республикасида келган бир гурупа студент ва аспирантлар «Менинг Ватаним» кўшигини ижро этмоқдалар.

Тошкент Давлат университети тайёрлов факультетда ўқитган Вьетнам қизлари. Улар миллий рақсини ижро этмоқдалар.



Аҳолига қўлайлик КИТОБ-СЕНИНГ ДЎСТИНГ

КЕНЖА ХАМЗА РАЙОННИНГ ДУБОВА КЎЧАСИДА ЯНГИ КИТОБ МАГАЗИНИ ЭШИҚЛАРИ ОЧИЛДИ. Магазин жоповларидан жой олган турли темадаги иқтисодий-сиёсий, фан ва техника ҳамда бадий адабиётлар тартиб билан териб қўйилган. Билкилар тарғиб қилувчи савдо маскани район аҳолисига катта қўлайлик турдирди.

Темирўлчилар учун ИККИ БИЛИМ ЮРТИ

Урта Осеб темир йўл бошқармасининг «Желдорпроект» институти иккита билим юрти биноси лойиҳасини яратди.

Билим даргоҳларининг биноялари замонавий бўлиб, улар ўқув, машгулот, ётоқхона, спорт корпусларидан иборатдир.

Русовая даҳасида қуриладиган бу икки билим юртининг бири шу йили фойдаланишга топширилади. Янги ўқув юрларида ишлар темир йўл техникасига доир барча хунарларни ўрганадилар.

Ўзбекистон ССР савдо ва транспорт коллективлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг 1970 йилги социалистик мажбуриятлари эълон қилинган.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний кеча Кремлда Чили Республикасининг маориф министрини Максимо Почеко Гомесни қабул қилди. Максимо Почеко Гомес Н. В. Подгорнийга Чили Республикасининг Президенти Э. Фройнинг шахсий мактубини топширди.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Совет ҳукумати ва СССР Куролли Кучлари олдидаги хизматлари учун ва тузилганга 70 йил тулушини муносабати билан Совет Иттифоқи Маршали Василей Иванович Чуйков Ленин орден билан мукофотланди.

10 февралда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги суниий йўлдоши «Космос 323» учурилади. Йўлдошга космик фазонини таъминлаш мақсади билан йилнинг аппарати ўрнатилган.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

СССР-АҚШ-9:2

Кеча

Москвада В. И. Ленин номидаги Марказий стадион рингида Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари боксчиларининг иккинчи матч урашуви бўлиб ўтди.

Биринчи матч ўтган йили 25 октябрда АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида бўлган ва 6:5 ҳисоби билан совет боксчилари фойдасига тугатган эди. Москвада ҳисоб қуйидагича ўзгариб берди — 1:0 совет боксчилари олдинда, 2:0, 3:0 3:1, 4:1, 5:1, 6:1, 6:2, 7:2, 8:2 ва сўнгги натижа 9:2.

Рингга биринчи бўлиб биринчи энг енгил вазн боксчилари Владимир Иванов (СССР) ва Уильям Хотторн (АҚШ) чиқишди. 25 ёшли Хотторн Америка командасининг капитани Лас-Вегасда Кукумововни енгитиб ўз командасига биринчи оқини келтирган эди. Бу сафар унга 34 ёшли тажрибали В. Иванов қарши турди.

Жанг разведкисиз бошланди. Иванов ҳужумни яширин, пухта ташейлади. Урта ва яқин масофаларда бир неча зарба беради ва биринчи раунддаёқ рақибини нокаут қилди. Иккинчи раундда ҳам Хотторн нокаутга яқин эди, фақат унинг гонг овози сақлаб қолди. Учинчи раундда вазият ўзгармади. Владимир Иванов СССР командасига дастлабки оқини келтирди.

* БОКС

ваксор боксчилар лигасининг чемпионли 18 ёшли Ланин ярам енгил вазнда Борис Кузнецов билан тушди. Кузнецовнинг очиқ стоикада туриб курашиши бу сафар ўз натижасини бермади. Тажрибали Ланин унинг яқин масофадга зарба алмашшига мажбур қилди. Рақибининг кураш усулига мослаша олмаган Кузнецов мағлубиятга учради.

Тошкент Педагогика институтининг студенти Николай Хромов икки марта «Олтин кўлоқ» мусобақаларининг голиби Хуан Русс устидан ақоиб галабага эришди. Бу билан у Лас-Вегасдаги мағлубият учун рақибидан реванш олди (ўшанда Николайнинг қоши ёрилиб, барча устуниги бий бой бериб қўйган эди).

Биринчи раунддаёқ рақибини канатга қисиб, кучли зарба билан нокаутга учратган Хромов иккинчи ва учинчи раундларда суръатли тобора ошириб берди. Русс иккинчи раундда яна нокаутга яқин эди. Учинчи раундда эса судьялар курашини совет боксчисининг тўла устуниги сабабини тўхтатишди.

Яна бир учрашув мuddатидан илгарти тугади. Жессе Вальдес билан учрашган Валерий Трегубов эҳтиётсизлик қилиб, рақибининг руҳсат берилмаган қўли қисмига зарба берди. Судьялар қондан бузган учун Трегубовга мағлубият эълон қилдилар. Биринчи ярам ўрта вазнда Валерий Фролов Кеинес Даниэльсини, иккинчи ярам ўрта вазнда Олег Толков Армандо Муничи, ўрта вазнда Европа чемпиони Владимир Тарасенков Ларри Винвордди, ярам оғир вазнда Владимир Бабарика Дюнон Сантьягон, оғир вазнда Александр Васюшин Жерри Даниэльсини мағлубиятга учратдилар. СССР — АҚШ боксчиларининг иккинчи матч учрашуви 9:2 ҳисоби билан совет спортчилари фойдасига тугади.

